КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 234 (8224). ● 9 декабрь, 1983 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин

ОҚ ОЛТИН — ВАТАНГА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 8 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан машинада мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

БЎКА	0,03	110,91	106,52
КОММУНИСТИК	0,04	109,27	110,19
БЕКОБОД	0,03	105,79	75,55
ОҚҚЎРҒОН	0,05	105,71	109,13
ЧИНОЗ	0,05	103,84	79,58
ПИСКЕНТ	0,03	103,48	70,06
ЎРТА ЧИРЧИҚ	0,03	102,93	85,65
ЯНГИЙЎЛ	0,05	101,20	85,39
Ғалаба	0,06	93,71	69,40
Область бўйича:	0,04	104,10	87,75

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

УЮШҚОҚЛИК, ИНТИЛИШ, ҒАЛАБА

ЧИНОЗ. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, тажрибали пахтакор Турсунмурод Бобоёров К. Маркс номли колхознинг юқори ҳосилли бригадасига раҳбарлик қилади. Йил бошида бу коллектив ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилган эди. Об-ҳаво қийинчиликларига қарши уюшқоқлик билан маҳорат кўрсатиб меҳнат қилган аҳил коллектив кўзлаган мақсадига эришди. 105 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 41,3 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Давлатга сотилган 434 тонна хом ашёнинг асосий қисми машиналарда териб олиниб, юқори сортларга топширилди.

Ҳозирги кунда бригада пахтазорларини кўздан кечирган киши ҳосил тўла йиғиштириб олинибди, деган хулосага келиши мумкин. Аслида эса ундай эмас. Аҳил коллектив аъзолари ҳали пахтазорларни тарк этишгани йўқ. Мавсумда тўққиз тоннадан ошириб пахта терган Комила Раимова, Хурсаной Абдуллаева, Мамлакат Шукурова сингари кўпмингкилограммчи теримчилар кунига 15—20 килограммдан подбор ва кўсак теришяпти. Норпўлат Эштоев, Абдулла Ҳатамов сингари моҳир механик-ҳайдовчилар «зангори кема»ларини кўсак чувийдиган машиналарга алмаштиришган. Уларнинг куч-ғайратлари билан ҳозир ҳам қабул пунктларига кунига бир тоннага яқин хом ашё жўнатилмоқда.

АҲДИДА БОРЛАРГА ОФАРИН!

ПИСКЕНТ. Очил Абдуллаев бошлиқ бригада аъзолари пахта тайёрлаш йиллик планини «КПСС XXVI съезди» совхозидагина эмас, ҳатто районда ҳам биринчилар қаторни бажарган эдилар. Сўнгра ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш учун кураш бошланди. Бу марра ҳам муддатидан анча илгари эгалланди.

Мажбурият бажарилгандан сўнг далалардаги ҳосил чўғини ҳисобга олган коллектив яна икки центнердан хирмон кўтаришга қарор қилган эди. Куни кеча илғор бригада оширилган социалистик мажбурият ҳам бажарилганлиги ҳақида рапорт берди.

85 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 42 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Қабул пунктларига топширилган 360 тонна пахтанинг асосий қисмини механик-ҳайдовчилардан Искандар Ғаффоров билан Эгам Сандибоевлар териб беришди. Тракторчи Озод Раимов эса «пўлат этак»лардан тўкилган ҳосилни пешмапеш қабул пунктларига етказиб турди. Шунингдек, София Мелиқўзиева, Шаҳло Турсунова, Нори Ўролова сингари кўпмингкилограммчи чевар теримчилар ҳам бригаданинг ютуғига салмоқли ҳисса қўшдилар.

«МЕДИК—83» ДОВРУҒИ

ЁШ МЕДИЦИНА ходимларидан ташкил топган бу комсомол зарбдор отряди Пискент район комсомол комитетининг ташаббуси билан тузилган эди. Ўз сафига 100 кишини бирлаштирган отряд аъзолари мавсум бошида ҳар бир ҳашарчи ҳисобига ўртача 3,5 тоннадан, жами эса 350 тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олган эдилар. Ваъдани ёруғ юз билан бажариш учун ёш медиклар пахтазорларда ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилишди.

Бугунги кунда «Медик — 83» зарбдор отрядининг довруғи бутун районга кенг ёйилган. Чунки улар беш кунликлар якунида беш марта мусобақа ғолиби бўлиб, район кўчма Қизил байроғини қўлга киритишга муваффақ бўлдилар.

Шу кунгача ҳашарчилар уйган хирмон 380 тоннадан ошиб кетиб, қўшимча социалистик мажбурият ҳам шараф билан адо этилди. Бунда ҳар бири беш тоннадан пахта териб берган Ш. Нуъмонова, Ҳ. Иброҳимова, С. Шеронова, М. Исматбекова сингари ҳашарчиларнинг ҳиссаси, айниқса салмоқли бўлди.

1983 ЙИЛНИ ҲАММА СОҲАДА ЗАРБДОР ЯКУНЛАЙЛИК



«Главмосстрой» Бош бошқармасининг 220-қурилиш бошқармаси «Дўстлик» турар-жой комплексида маданий-маиший объектлар қурилишини ниҳоясига етказишяпти. Москвалик бунедкорлар бу объектларни ҳам муддатидан илгари фойдаланишга топширишга сўз беришган.

Суратда: янги китоб магазини қурилишида иштирок этаётган қурувчилардан (чапдан) С. Зверев, В. Слисарчук, Ю. Цветков, Б. Власов, Ю. Давидянлар тушлик пайтида келгуси ишлар ҳақида суҳбатлашишяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

МУКОФОТ МУБОРАК

КУНИ КЕЧА матбуотда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номли тил ва адабиёт институтини Ҳурмат Белгиси ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинган эди. Партия ва ҳукуматнинг ўзбек тилшунослари ва адабиётшунослари меҳнатини шу кадар юксак баҳолаганлиги институт коллективини, қолаверса, республикамизнинг барча зиёлиларини янги зафарларга руҳлантириб юборди.

8 декабрда институтни юксак мукофот билан тақдирланишига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан институт партия ташкилотининг секретари, филология фанлари доктори А. Хайитметов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, диалектология бўлимининг мудири Ш. Шоабдураҳмонов, фольклор бўлимининг мудири, филология фанлари кандидати Т. Мирзаев, болалар адабиёти бўлимининг мудири, филология фанлари кандидати М. Абдураҳмонов, институт илмий котиби, филология фанлари кандидати Б. Назаровлар юксак мукофотга жавобан фундаментал тадқиқотлар олиб боришни янада яхшилашга, илмий кадрлар тайёрлашга эътиборни кучайтиришга ваъда бердилар.

Митинг қатнашчилари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотида илгари сурилган тинчлик таклифларини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор қилдилар.

А. НОСИРОВА.

ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИК БЎЛСИН

ИМПЕРИАЛИЗМ РЕЖАЛАРИ АМАЛГА ОШМАЙДИ

Ҳозир навбатдаги сафарга жўнаб кетамиз. Салонга пассажирлар: эркаклар, аёллар, болалар чиқиб жой олмоқдалар. Биз улар билан бирга тинч совет осмонига парвоз этиб, тинч диёр узра, «тинчлик» сўзи билан ўғилган ва бутун инсоният учун тинчлик таянчи бўлиб хизмат қилаётган мамлакат узра уча бошлаймиз. Аммо шундай мамлакатлар ҳам борки, уларда мутлақо бошқача манзаралар намоён бўлиб турибди. Ў ерда самолётлар ҳам бошқача, уларнинг ичидаги юклар ҳам, қанотларидаги белгилари ҳам бошқача, улар ёвуз ният билан парвоз қилиб, ерга ўт сочмоқда, ҳамма ёқни тутунга тўлдириб, одамларнинг қонини тўкмоқда. У ерда жаҳонга ҳукмрон бўлиб олишга ахд қилган Америка ҳарбийлари разил ишлар қилмоқда.

Москванинг қатъий ва кескин овози уруш оловини ёқувчиларни яна огоҳлантириб, уларнинг интиқомдан қутулиб қолиш йўлидаги уринишлари телбалик, бемаъни эканлигини айтди. Юрий Владимирович Андропов ўз Баёнотида НАТО мамлакатларининг раҳбарларини эс-ҳушини йиғиб олишга, улар бошлаган ўзини-ўзи ўлдиришга олиб бораётган қурол-яроғ пойгаси йўлининг оқибатларини яна бир бор салмоқлаб кўришга чақирди. Самолётимизнинг бутун экипажи, бўлинманинг ҳамма учувчилари барча совет кишилари каби биздан ҳарбий соҳада устун бўлиб олишларига йўл қўймаймиз, деб аниқ-равшан айтилган шу ҳужжатга имзо чекишга тайёрдирлар. Ҳарбий соҳада биздан устун бўлишларига асло йўл қўймаслик учун меҳнатимизни ҳам, кучимизни ҳам, воситаларимизни ҳам аямаймиз. Ҳарбий соҳада уларга устунлик бериб қўйиш — қирғинчилик бошланишига имкон бериш демакдир. Бу қирғинчиликда бутун инсоният билан бирга уларнинг ўзлари ҳам қуйиб кулга айланган бўлур эдилар. Оталаримиз ва боболаримиз Ватанни қандай ҳимоя қилганликларини ҳар бир совет кишиси ёдда тутаётганлигини билиб қўйишсин. Биз ҳамиша тинч осмонда, тинч диёр узра учишни ҳоҳлаймиз. Доимо шундай бўлиши учун мамлакатимизнинг қудратини мустаҳкамлайверамиз.

В. СВЕЧНИКОВ,
ТУ-154 самолётининг учувчиси.
Тошкент.

АГРЕССОРЛАРГА МУНОСИБ ЗАРБА

Америка маъмурияти, НАТО корчалонлари қуролланиш пойгаси ва бошқа соҳаларда ҳарбий устунликка эришишларига йўл қўймасликдан муҳимроқ вазифа йўқ. Ҳар бир совет кишиси шу проблемани ҳал этишга ҳисса қўша олади ва шундай қилиши керак. Бригадамиз слесарлари пахта машиналарини йиғиш билан шуғулланади. Биз йиллик топшириқни муддатидан илгари — ноябрда бажардик.

Г. М. ЭРИК,
«Узбекхлопкомаш» бирлашмасининг бригадири.

БИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Ю. В. Андроповнинг Баёнотида Америка империализмига қаттиқ, лекин адолатли зарба берилди. Совет ҳукумати қуролсизланишга, ядро қуроли запасларини камайтиришга қаратилган анчагина конструктив таклифлар айтди. Лекин Рейган маъмуриятининг айби билан Женевадаги музокаралар бошқа бериқ кўчага кириб қолди. Ғарбий Европада «Першинг»-лар, қанотли ракеталарни ўрнатишга киришилди. Биз — «Узбекхлопкомаш» бирлашмасининг машинасозлари, мамлакатимиз устида қандай дахшатли хавф турганлигини барча совет халқи сингари яхши тушунамиз. Совет давлати учун, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари учун, ер юзидаги барча кишилар учун тинчликни таъминлаш бизнинг бурчимиздир.

Ҳозирги пайтда мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашдан, Америка ҳарбийларининг устунликка эришишларига йўл қўймасликдан муҳимроқ вазифа йўқ. Ҳар бир совет кишиси шу проблемани ҳал этишга ҳисса қўша олади ва шундай қилиши керак. Бригадамиз слесарлари пахта машиналарини йиғиш билан шуғулланади. Биз йиллик топшириқни муддатидан илгари — ноябрда бажардик.

Г. М. ЭРИК,
«Узбекхлопкомаш» бирлашмасининг бригадири.

ТАШИШ ТЕЗЛАШМОҚДА

НАРИМОНОВ шаҳри саноат корхоналари ўртасида беш йилликнинг марказий йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш ҳаракати қизғин паллага кирди. Барча ишлаб чиқариш корхоналари куч-ғайратларини давлат планлари ҳамда социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига қаратмоқдалар. Меҳнат беллашувида, айниқса, автотранспортчилар барчага намуна бўлмоқдалар. Улар йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида объектларга юк ташиб бериш давлат планини 117 процент, юк оборотни ҳажми бўйича 106 процентга етказиб бажардилар. Меҳнат унумдорлиги эса 105 процентни ташкил этди.

Эришилган меҳнат зафарларида шаҳардаги хўжалик ҳисобидаги 1-автокорхона коллективининг ҳам арзигулик улуши бор. Мазкур коллектива кейинги пайтларда интизомни мустаҳкамлаш, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор усулларидан кенг фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор берила бошланди. «Иш вақти — ишга», «Шараф ва шуҳрат ҳам меҳнатга яраша!» шиорлари асосида иш юритилиши ҳар бир ҳайдовчининг юксак унум билан меҳнат қилишини таъминлаяпти.

Автомашиналарга техник хизмат кўрсатиш участкасининг ремонтчилари ҳамда ҳайдовчилар ўртасида яхши ҳамкорлик ўрнатилганлиги автопаркдан фойдаланиш коэффициентини кескин ошириш имконини берди. Муайян автомашина ремонтчилар қўлига топширилгач, слесарлар уни пухта созлайдилар ва ҳайдовчига ўзлари қайта топширадилар. Келгусида автомашинанинг қай даражада бенуқсон ишлашига қайта созлаш ишларини бажарган ремонтчилар ҳам бевосита ўзларини жавобгар деб биладилар. Бажарилган ишга ана шундай муносабатда бўлиш, масъулиятнинг ошиши натижасида коллективнинг барча техник ишлаб чиқариш кўрсаткичлари мунтазам юксалиб боряпти.

Ҳозир ҳар куни корхонанинг 470 га яқин юк автомашинаси белгиланган объектларга бинокорлик материаллари ташиб беряпти. Смена топшириқларини ортиги билан бажариб, машина қувватидан тўла фойдаланиш, ёнилғи-мойлаш материалларини тежаш юзасидан ўтказилаётган социалистик мусобақа тобора авж олмоқда. Меҳнат баҳсидан кўзланган мақсадга эришишда айниқса 1-автоколоннанинг Тоҳир Рисбоев бошлиқ бригадаси ҳайдовчилари жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Бригадага қарашли 21 та юк автомашинаси мунтазам ҳаракат қилади. Коллектив ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилиши натижасида доимо мусобақанинг олдинги сафларида бормоқда.

— Илғорлар тажрибаси доимо ишимизнинг асоси қилиб олинади, — дейди бригада етакчиси Тоҳир Рисбоев. — Коллективимизда ёшлар оз эмас. Лекин улар ҳам тажрибали ҳайдовчилар билан бир сафда юқори натижаларга эришишяпти. Бригадада ўз касбига сидқидилдан меҳр қўйиб, ишда катта тажриба орттирган тадбиркор ҳайдовчилар талайгина. Ойлик топшириқларини 120 — 130 процентга етказиб бажараётган ҳамда узоқ муддат машиналарни капитал ремонтсиз бошқараётган КАМАЗ ҳайдовчиларидан М. Маматов, Р. Валиев, Б. Мансуров, Ў. Утенбоев, МАЗ машинаси ҳайдовчиси Р. Ўринбоевлар автокорхона фахри саналишади. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Чунки коллектив ютуғида бригадамиз ҳар бир аъзосининг озми-кўпми улуши бор.

Дарҳақиқат шундай. Коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли иомни зарбдор меҳнатлари билан оқлаб келаётган бу коллективнинг ҳар бир аъзоси умумий ютуққа салмоқли ҳиссасини қўшмоқда. Шунинг учун ҳам кўрсаткичлар ой сайин кувончлироқ бўлмоқда. Йилнинг ўтган ойларида бригада азаматлари объектларга пландаги 14,7 минг тонна ўрнига 20,6 минг тонна юк ташиб бердилар. Юк обороти ҳажми 821,2 минг тонна-километр ўрнига 985,2 минг тонна-километрни ташкил этди.

Айни кунларда илғор бригада ҳайдовчиларининг куч-ғайратлари бир мақсадга — ўн биринчи беш йиллик марказий йили план ва мажбуриятларини барвақт, ортиғи билан уддалашга қаратилган. Бу мақсадга пешқадамлар ҳар бир автомашинадан тўла қувват билан фойдаланишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Қ. СУЯРОВ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎН САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ VII СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ҲАҚИДА

Халқ депутатлари область Совети ижроия комитети **қарор қилади:**

1. Ўн саккизинчи чақириқ халқ депутатлари область Советининг VII сессияси 1983 йил 24 декабрда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

2. Халқ депутатлари область Совети сессиясининг кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

— халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг 1983 йил иши ҳақида.

Докладчи — область ижроия комитетининг раиси Т. А. Алимов.

— Ўн саккизинчи чақириқ халқ депутатлари область Советининг VI сессиясида депутатларнинг докладлари ва нутқларида билдирилган танқидий мулоҳазалар ва таклифларнинг бажарилишининг боришн ҳақида.

— Область Советининг депутатлари Р. А. Отабоева ва С. М. Трунинларнинг депутатлик вазифалари, Советлар ва уларнинг органлари қарорлари ва топшириқларини бажариш юзасидан ахборотлари.

Область ижроия комитетининг раиси
Т. АЛИМОВ.

Область ижроия комитетининг секретари
А. МАНСУРОВ.

Тошкент шаҳри. 1983 йил, 8 декабрь.

ХЎЖАЛИК РАҲБАРИ МИНБАРИ

ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ ЕНГА БИЛИШ КЕРАК

ДЕҲҚОНЧИЛИК маҳсулотлари етиштиришда ҳар йилнинг ўзига хос хусусиятлари, қийинчиликлари бўлади. Жумладан, бу нарса, айниқса, пахтакорлар меҳнати давомида яққол кўринади. Тадбиркор деҳқон эса эрта баҳорданоқ ерга қадаган уруғининг униб чиқишига, об-ҳаво шароитига қараб ишини режалаштириб боради. Бироқ, ана шу пайтда йўл қўйилган кичик бўлсада эҳтиётсизлик, шароитга нотўғри баҳо берилиши катта-катта қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Мазкур йилда хўжалигимиз аъзолари учун ҳам сабоқ бўладиган бир қатор табиат инжиқликларини мардонавор енгиб ўтишга тўғри келди. Айниқса, баҳорнинг қурғоқ келиши туфайли гербицидниинг таъсир кучи йўқолганлиги, шундан кейин юз берган ёғингарчиликлар оқибатида бегона ўтларнинг кўпайиб кетиши ишимизни анча мушкуллаштирди. Ана шу вақтда 35 гектар ерга чигит қайта экилди. Бегона ўтларга қарши кураш зарбдор ойлиги эълон қилинди. Райондаги 5, 6, 31, 34-ўрта мактабларнинг педагоглари, юқори синф ўқувчилари, райондаги бир қатор ташкилот ва муассасаларнинг иши-хизматчилари бу курашда бизга яқиндан ёрдам беришди. Бир сўз билан айтганда табиатнинг бу инжиқлиги мардонавор енгилди. Шундан кейин олдимизда турган энг муҳим вазифа гўза парваришини барча агротехника қоидалари асосида олиб бориб, зиммага олинган 40 центнерлик юксак мажбуриятга яраша ҳосил тўплашдан иборат бўлди. Мавжуд 894 гектар ердаги гўзаларнинг ҳолатига қараб минерал ва маҳаллий ўғитлар бериб борилди. Культивация ишларини сифатли ўтказишга алоҳида эътибор берилди.

Кузга келиб далаларда тўпланган ҳосил салмоғидан кўнглимиз тўлди. Бу тинимсиз қилган меҳнатларимизнинг самараси эди. Айниқса, йиғим-терим пайтида об-ҳавонинг бундай қулай келиши янада кувончли бўлди. Балки бу йил бўйи чекқан машаққатларимиз эвазига табиатнинг бизга қилган ўзига яраша иноъмидир. Биз қулай фурсатдан иложи борича тезроқ ва унумлироқ фойдаланишга ҳаракат қилдик. Йиғим-терим ишларини ипатоволиклар усулида ташкил этдик. 3 та механизациялаштирилган отряд тузилди. Уларга 27 та терим машинаси, 13 та транспорт трактори, 100 га яқин прицеп ва бошқа механизмлар бириктириб қўйилди, 3 та ёнилғи ташувчи машина ва 3 та кўчма устахона машина-механизмларга даланинг ўзида хизмат кўрсатиб борди.

Йиғим-терим даврида учта муваққат партия группаси туздик. Барча бригадаларга, отрядларга сиёсий комиссарлар бириктирилди. Шулардан гидротехник Геннадий Ким, хўжалик ревизия комиссиясининг раиси Далибой Исоқов ва агрономэнтомолог Сафрон Ли сингари коммунистларимиз ўзларига топширилган вазифаларни сидқидилдан бажаришди.

Социалистик мусобақа ютуқлар гарови, деб бежиз айтилмаган. Хўжаликда бригадалар, механизаторлар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа йўлга қўйилган. У ҳар беш кунда якунланиб, ғолиблар кўчма Қизил байроқ, кўчма вимпел ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланиб борилаяпти. Шунингдек, уларнинг шаънига бригада дала шийпонлари, хўжалик марказида шоншуҳрат байроқлари кўтарилмоқда.

Юқорида санаб ўтилган ана шундай тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиб келинаётганлиги ютуқларимиз гарови бўлмоқда, албатта. Хўжалигимизда октябрь ойининг охиридаёқ ҳар гектар ердан 33,4 центнердан ҳосил йиғиштириб олиниб, йиллик план муддатидан барвақт уддаланди. Қабул пунктларига етказиб берилган 3065 тонна «оқ олтин»нинг 80 проценти биринчи сортларга сотилди. Машина терими плани эса ортиғи билан бажарилди. Шу кунгача барча майдонлардан йиғиштириб олган ҳосилимиз салмоғи эса 3200 тоннадан ошди. Коллективимизнинг бу ютуғига ҳар бири 100 тоннадан пахта терган «пўлат от» суворийларидан республика Олий Советининг депутати Собир Қодиров, Убайдулла Ҳожиматов, Илёс Эгамқулов ва Саидваққос Турдиқуловлар муносиб улушларини қўшишди. Перниқул Машенов, Илларион Ким ва Қодирбой Мавлоновлар етакчилик қилаётган бригада коллективларида эса ҳар гектар ердан 38 центнердан пахта олинди. Айни кунларда бу бригада коллективлари 40 центнерлик марра учун курашни давом эттиришаяпти.

Ҳўжалигимизда айни кунларда келгуси йил ҳосили учун мустаҳкам замин тайёрлаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозир пахтадан бошқа турдаги экинлардан бўшаган 1500 гектар ер ҳайдаб қўйилди. Уларга гектар бошига 15 тоннадан маҳаллий ва етарли миқдорда минерал ўғитлар чиқарилди. Эрта баҳорда молларга бериш учун 30 гектар ерга оралиқ экинлари экдик.

А. ЦОЙ,
Коммунистик районидаги «Узбекистон» колхози раиси.

БРИГАДА ПУДРАТИ — САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТ ОМИЛИ

ШОН-ШАРАФ МЕҲНАТГА ЯРАША

КОЛЛЕКТИВИМИЗ зиммасига шарафли ва масъулиятли вазифа юклатилган. Биз республикамиз пойтахтида уй-жойлар қурилишини амалга оширмоқдамиз. Айни вақтда қатор маданий-маиший муассасалар, жумладан, мактаблар, болалар боғчалари ва шунга ўхшаш бошқа объектлар қурилишини ҳам олиб бормоқдамиз.

Бир сўз билан айтганда биз қураётган бинолар халқимизнинг моддий ва маданий турмуш даражасини оширишга, фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Буни чуқур ҳис қилган биноқорларимиз барча объектларни тез ва соз қуришга ҳаракат қилмоқдалар. Шон-шараф меҳнатга яраша шиори остида ишлаяпмиз. Коллективимиз барча аъзоларининг фидокорона меҳнати туфайли давлат планларини бажаришда яхши кўрсаткичларга эришмоқдамиз.

Ўн биринчи беш йиллик учинчи йили топшириқлари ҳам шараф билан уддаламоқда. Унинг ўтган даври мобайнида асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар белгиланганига нисбатан анча юқори бўлди. 22 миллион сўмлик атрофида қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, топшириқ 104 процентдан оширилди ва олинди.

Коллективимиз ўз кучлари билан бунёдкорлик ишлари планини муваффақиятли уддаламоқда. Амалга оширилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми пландагига нисбатан 102 процентни ташкил этди. Товар маҳсулотини реализация қилишдаги иш натижалари ҳам кўнгилдагидек бўлмоқда. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойида 18 миллион 418 минг сўмлик тайёр маҳсулот реализация қилинди. Натижада бу кўрсаткич бўйича зиммамиздаги вазифа 110,7 процент қилиб адо этилди.

Шу давр мобайнида ўнлаб турли-туман бинолар фойдаланишга топширилди. Республикамиз пойтахти меҳнаткашларига 36,5 минг квадрат метрдан ортиқ саҳнли уй-жойлар совға қилинди. Бундан ташқари, 7904 ўқувчига мўлжалланган замонавий олтита мактаб биноси қуриб битказилди. 1176 ўқувчи таълим оладиган ҳунар-техника билим юрти биноси қурилиши қўлдан чиқарилди. Жажжи гражданларимизга ҳам совға тайёрладик. Биз қурган мактабгача ёшдаги болалар муассасасида бирйўла 140 фарзандларимиз тарбияланади.

Коллективимиз давлат планлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларни бажаришда шундай қувончли натижаларга эришаётганлиги биз учун қувончлидир. Айни вақтда объектларнинг сифати ҳам анча яхшиланди. Тез ва соз ишлаш барча бунёдкорларимизнинг шиори бўлиб қолгани учун ҳам бу соҳадаги кўрсаткичларимиз ой сайин юксалиб бормоқда. Шу йилнинг ўтган даврида фойдаланишга топширилган барча уй-жойлар ва маданий-маиший объектлар давлат қабул комиссияси томонидан яхши ва аъло баҳоланди.

Ютуқларимизнинг омиллари ҳақида кўп гапириш мумкин. Улар ҳақиқатан ҳам турли-туман. Меҳнат интизомининг мустаҳкамланиши, қурилиш ишлаб чиқаришнинг такомиллашиши, ишлаб

ҚУРИЛИШ

чиқариш жараёнларини механизациялаш, қўл меҳнати сарфини камайтириш юзасидан кўрилаётган ва бошқа чора-тадбирлар шулар жумласидандир. Лекин энг муҳим омил меҳнатни ташкил этишнинг бригада усули, айниқса, хўжалик ҳисоби тобора кенгроқ жорий қилинаётганлигидадир.

Бу прогрессив усул ўзининг ҳаётийлигини кун сайин исботлаб турипти. Бунга коллективимиз ҳам тўла ишонч ҳосил қилди. Бир вақтлар ана шу янгиликни жорий қилишда иккиланишларга йўл қўйилган бўлса, ўндилиқда тамомила бошқа манзарани кўрасиз: барча бригадалар имкони борича уни кенгроқ қўллашга ҳаракат қилмоқдалар. Чунки бригада пудрати асосида ишлаётган коллективларнинг меҳнати натижаси баракали бўлмоқда, иш кўрсаткичлари ой сайин юксалиб бораяпти. Буни ҳозирги вақтда трестимизда етакчи бўлиб қолган кўпгина бригадалар мисолида яққол кўриш мумкин.

Бир беш йилликда ўн йиллик топшириғини бажаришга аҳд қилган Ренат Халилович Гайнуллин раҳбарлигидаги бригада коллективининг ажойиб ишлари ҳақида фақат илиқ сўзлар айтиш мумкин. Бригадада янги усулни қўлланиш ҳар томонлама фойдали бўлмоқда. Зиммага олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилишига ёрдам бермоқда.

Ўнлаб турли касб эгаларини ўзида бирлаштирган бу комплекс бригада аъзолари ҳар соҳада бир-бирларига мададкор ва кўмакдош бўлмоқдалар. Билмаганларини ўрганадилар, билганларини баҳонидил ўргатадилар. Шунинг учун ҳам коллективга янги қўшилган биноқорлар тез орада малакали ишчилар сафидан ўрин олмоқдалар. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бригаданинг ҳар бир аъзоси икки-учтадан касбни эгаллаган. Бу ишлаб чиқариш кучларидан самарали фойдаланиш имконини бермоқда. Шунинг учун ҳам коллектив меҳнатда ҳаммага намуна бўлмоқда. Юксак социалистик мажбуриятини шараф билан уддаламоқда. Коллектив шу кунларда 1988 йил ҳисобидан бунёдкорлик ишларини амалга оширяпти.

Трестимиз бўлинмаларида бригада пудрати асосида ишлаб, коллективимиз меҳнатининг самарали бўлишига салмоқли улуш қўшаётган бундай қуйи ишлаб чиқариш ячейкалари кўп.

А. М. Янушкевич бошчилик қилаётган бригада коллективи ҳам вақтдан ўзиб ишламоқда. Бригада аъзолари ҳар сменада топшириқни 120 процент ва ундан ҳам ошириб бажаришга муваффақ бўлмоқдалар.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бригада пудратини қўллаган коллектив ҳеч вақт ютқазмас экан. У иш кўрсаткичларининг яхшиланишига, биноларни тез ва сифатли қуришга, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, коллективчилик руҳини кучайтиришга олиб келар экан. Шунинг учун ҳам трестимизда бу усулни янада кенгроқ қўллаш, деярли барча объектлар қурилишини пудрат асосида амалга оширишга ҳаракат қилинмоқда. Бу олдимизда турган барча вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши учун салмоқли ёрдам беради.

Ранса ШОАЗИЗОВА,
159-қурилиш трестининг катта инженери.



ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ҲИСОБИГА

● **ТОШКЕНТДАГИ геологоразведка тажриба-механика заводининг илғор токари Саъдулла Мақсумов шу кунларда ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот бермоқда. Мураббий ишчи ўзининг бой тажрибасини ёш касбдошларига қунт билан ўргатмоқда. Суратда: илғор ишчи С. Мақсумов шогирди Рустам Қўчқоров билан деталь сифатини текширмоқда. М. Нуриддинов фотоси.**

30 ТОННА МЕТАЛЛ ТЕЖАЛДИ

«БЕКОБОДЦЕМРЕМОНТ» корхонаси коллективи ўн биринчи беш йиллик учинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажармоқда. Социалистик мусобақани авж олдириш, илғор иш усулларини қўлланиш, меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасини жорий қилиш ремонтчилар иши натижасининг самарали бўлишига олиб келяпти. Бу давлат планларини ой сайин ортиғи билан бажаришга ёрдам бермоқда. Шу йилнинг ўтган ўн бир ойлик ишлаб чиқариш топшириғи ҳам барвақт уддаланди. Қўшимча ўнларча минг сўмлик турли-туман цемент корхоналари асбоб-ускуналарини ремонт қилиш ишлари амалга оширилди.

Корхонада материаллар ва хом ашёни тежаб-тергаб сарфлашга ҳам катта эътибор бериляпти. Айниқса, металл прокатини иқтисод қилишда дуруст ютуқларга эришилмоқда. Шу йилнинг ўтган ўн ойи давомида бундай қимматли материалдан 30 тоннаси тежаб қолинди. Бунга қатор деталлар тайёрлашни такомиллаштириш, уларга кетадиган металл сарфини камайтириш ҳисобига эришилмоқда. Жумладан, корхонада эҳтиёт қисмларни иссиқ штамповка қилиш усули жорий этилди. Бу қатор деталларга механик ишлов бериш натижасида металлнинг исроф бўлишини анча камайтирди. Коллектив шайбалар, планкалар ва бошқа шу каби қатор юпқа деталлар тайёрлашда металл прокати тахтаси чиқиндиларидан фойдаланмоқда. Бу ҳам ҳар йили тонна-тонналаб қимматбаҳо материални тежаб қолиш имконини бермоқда.

Корхона коллективи ўзининг ижодий изланиши билан йил давомида металлни тежаб қолиш юзасидан зиммасига олган социалистик мажбуриятни шараф билан уддаламоқда.

М. МАҲМУДОВ.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

Бир ЖЭКдаги машмашалар

БОЛАЛАР майдончасига қурилган гаражни кўрганмисиз? Тротуардан машина юрганини-чи? Йўқ, дейсизми? Бўлмаса бизнинг Юнусобод массивидаги СВ-1 микрорайонига бир келинг. Унда кишиларнинг йўлкадан 5—6 метр четлаб ўтаётганлигининг гувоҳи бўласиз.

Булар ҳали ҳолва. Микрорайонимизнинг ташкил топганига 3—4 йил бўлганига қарамай ҳануз ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига тайинли қўл урилмаган. Кўчалар юзасига ниҳоллар ўтказиш, яшил тўсиқлар барпо этиш билан ҳеч ким шуғулланмаяпти. Мутасадди — 76-уй-жойлардан фойдаланиш идорасининг ходимлари ўз вазифаларини фақатгина аҳолидан турар-жой ва коммунал хизмати учун тўловларни йиғиштириб олишдангина иборат деб ўйлашади, шекилли. Квартираларни ситиш ҳам ёмон аҳволда.

Хуллас, кичкина микрорайонимизда катта муаммолар жуда кўп. Кўчаларга электр чироғи ўрнатиш, гаражлар қуриб машиналар қатновини тартибга солиш, автобус бекатларида ўриндиқлар ўрнатиш ва бошқа масалалар юзасидан микрорайон ҳузуридаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» номли маҳалла комитети вакиллари бир неча марта ЖЭК ва бошқа ташкилотларга мурожаат қилишди. Бироқ кўнгилдагидек натижа чиқмади. Эҳтимол Киров район ижроия комитети раҳбарлари газета орқали билдирилган фикримизни тинглаб, чора кўришар?

Э. ҚОДИРОВ,
маҳалла комитетининг раиси.

БУТУН ОИЛА — ДАЛАДА

Ўрта Чирчиқ районн хўжаликларида ҳозир 80 га яқин бригада пудрат усулида ишламоқда. Кейинги пайтда оилавий звенолар тузиш ҳам бу ерда яхши анъанага айланди. «Ленин йўли» колхози пахтакорлари шу усулда меҳнат қилиб, бу йил қувончли ютуқларни қўлга киритдилар.

Оилавий пудрат усулининг афзалликларини Шарофат Худойбердиева бошлиқ илғор бригада далаларида бўлганимизда яна ҳам яққолроқ сездик. Ўша пайтда йиғим-терим ниҳоясига етаётган, ғалвир сувдан кўтарилаётган палла эди...

Шарофат опа этигининг қўнжидан қизил муқовали дафтарчани олиб, аста варақлади.

— Мавсумда ким қанча пахта терганини шу дафтарчага ёзиб бораяпман, — деди у. — Мана Алиматнинг терган пахтаси 165 тоннадан ошибди. Раҳим билан Ёқубники эса 100 тоннага айланибди.

— Қўл терими бўйича кимлар олдинда боряпти?— сўраймиз бригада бошлиғидан.

— Бригаданинг ҳамма аъзолари оилавий звено тузиб олишган, — Шарофат опа яна дафтарчасини варақлади. — Фотима Душаеванинг оила аъзолари бригалашиб 15 тонна пахта теришди. Қаршиой Тонгбоевнинг оиласи 13 тонна, Карима Ширинованинг оиласи эса 12 тонна ҳосилни териб топширишди. Оилавий пудрат ҳар жиҳатдан фойдали усул экан. Одамлар энди қанчалик кўп ва сифатли ишлашса, шунга қараб катта даромад қилишларини яхши билишади. Илгаригидек тонг саҳарлаб эшикма-эшик юриб одамларни ишга чақиришдан, интизом бузилса ўзаро қизаришдан қутулдик. Одамлар бўлиб олинган карталарга ўз ихтиёрлари билан барвақтроқ етиб келишга, кун бўйи унумлироқ меҳнат қилишга интилмоқдалар.

Оилавий пудрат усулини биринчи бўлиб Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози аъзолари қўллашганида ҳамма унга қизиқиб қолди. Ўшанда Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози пахтакорлари ҳам қўшни район хўжалиги аъзолари ҳузурига бир-икки бориб келишди. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш, меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби билан қизиқишди. Оддий кишилар ҳам, хўжалик раҳбарлари ҳам янги усулдан мамнун бўлиб гапиришди, ўрта чирчиқликларга оилавий пудратни тезроқ қўллашни маслаҳат беришди. Шу тариқа оилавий пудрат усули «Ленин йўли» колхозига ҳам кириб келди.

— Ҳозир бригадамизнинг 170 гектар ери бор, — дейди Ш. Худойбердиева. — Сиз кўриб турган шу карталар одамларга эгатма-эгат бўлиб берилган. Оилалар жон бошига қараб бири тўрт гектар, яна бири беш гектар ер олган. Лекин биз уларга карталарни яхлит-яхлит қилиб бермадик. Ҳар бир картадан оила бошига 15—20 тадан эгат ажратдик. Шунда қайси оила қандай ишлаётганлиги дарров кўзга ташланади. Айни пайтда оилалар ёнма-ён бўлгач, бир-биридан қолишмасликка ҳаракат қилади. Мана қаранг, карталарда бирор туп ҳам бегона ўт кўринмайди. Оилалар йил бошиданоқ ўз эгаларидаги ниҳолларни машинабоп қилиб ўстирдилар, кўпроқ ҳосил тўплашга интилдилар.

ПАХТАЧИЛИК

— Одамларга ҳақ тўлашда қандай йўл тутаяпсизлар?

— Парвариш қилинган ҳар гектар ер учун оила бошига 39 сўм ҳақ тўланади, — бригадир рақамларни чўтга солди. — Демак, тўрт гектар ер ажратиб олган оила ҳар ойда 152 сўм иш ҳақи олади. Бунда албатта сифат комиссиясининг қарори ҳам тўла ҳисобга олинади. Комиссия аъзолари ҳар ой охирида карталарни айланиб чиқиб, қабул қилиб олишади. Сифатсиз парвариш қилинган, бегона ўтлари бўлган карталар қабул қилинмайди. Ўз-ўзидан равшанки, сифатсиз ишлаган оилага кейин ҳақ ҳам тўланмайди. Комиссия аъзолари аниқлаган нуқсонлар тугатилгандан кейингина иш ҳақлари берилади. Шундай нохуш ҳоллар бўлмаслиги учун ҳар бир оила ишни бошидан пухта қилишга интилади. Мавсум охирида эса умумий даромадга қараб йил бўйи олинган иш ҳақининг ҳар бир сўмига қўшимча 1,5—2 сўмдан ҳақ тўланади.

Ўтган йили механизатор Алимат Ҳолматов ўз оила аъзолари билан беш гектар ер олди. Йил бўйи қилинган меҳнат эвазига оила аъзолари 8 минг сўмга яқин даромад қилишди. Бу йил ҳам илғор оила ғўза парваришида ҳам, йиғим-теримда ҳам актив иштирок этаяпти. Алимат ўз «зангори кема»си билан 165 тонна «оқ олтин» терди. Рафиқаси Қурбоной уйган хирмон ҳам залворли бўлди.

— Албатта, гуруч курмаксиз бўлмайди, — мийиғида кулиб қўйди бригада бошлиғи. — Ўтган йили Исрофил Муродов ва Тилов Абдуллаевларнинг оиласи ёлчитиб ишлашмади. Улар ўз томорқалари билан овора бўлиб, бригададан олган ерларига вақтида қарай олмадилар. Натижада ғўзалари нимжон бўлиб ўсди, ҳосили паст бўлди. Мен уларга кўп марта танбеҳ бердим, барибир кор қилмади. Йил охирида бригада аъзоларининг умумий йиғилишида уларни коллективдан чиқаришга қарор қилдик. Чунки ҳар иккала оиланинг найранги йил охирида олинган даромадга путур етказган эди.

Қолоқлар ўзларини у ёққа бу ёққа уриб кўришди, коллективда қолишга ҳаракат қилишди. Лекин бригада аъзолари бунга кўнишмади. Дангасалар бизга керак эмас, деб туриб олишди.

Бу йил ҳеч ким найранг қилмай ишлади. Бригада аъзолари қийин шароитда ҳам гектар бошига 35 центнердан ҳосил олиб, колхозда биринчилар қатори мажбуриятни бажариб қўйдилар. Колхоздаги бошқа бригадалар ҳам коллектив пудрат усулида ишлаяпти. Янги усул барча коллективларга шон-шараф келтираяпти.

Ж. НОСИРОВ.

ЕРДАМЧИ ХЎЖАЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

КЕЛАСИ ЙИЛ 42 КИЛОГРАММГА ЕТАДИ

Янгийўл шаҳрида корхоналар, ташкилотлар, муассасаларда ёрдамчи хўжаликларни кенгайтириш, шаҳар аҳолисини чорвачилик маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлашга жуда катта диққат ва эътибор билан қаралмоқда.

Ҳозир ёрдамчи хўжаликларда боқилаётган қорамолларнинг сони минг бошдан ошиб кетди. Кўплаб қуён, парранда боқиляпти. Белгиланган планга мувофиқ бу йил «кичик ферма»лардан 636 тонна гўшт, 1 миллион 400 минг дона тухум топширилиши, ҳар бир ишловчи ҳисобига 33 килограммдан гўшт, 70 дона тухум етказилиши керак эди. Ҳозиргача 600 тоннага яқин гўшт, 1,5 миллион донадан кўп тухум аҳоли дастурхонига армуғон этилди.

Янгийўлликлар ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ёрдамчи хўжаликлар сонини янада кўпайтириш, базасини янада мустаҳкамлашга қарор қилишган. Қорамолларнинг сонини 1300 тага, паррандаларни 80 мингтага, қуёнларни 30 мингтага етказиш ва «кичик ферма»ларда 820 тонна гўшт, 1 миллион 650 минг донадан кўп тухум олиш ва ҳар бир ишловчи ҳисобига 42 килограммдан гўшт, 82 донадан тухум етиштиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар.

Б. СОЛИҲОВ.

ЧИҚИТДАН... ШИША

Тошкент шиша заводи маҳсулот ишлаб чиқариш учун натрий сульфат, кальцийлаштирилган сода, нефелин концентрати каби шишанинг асосий моддаларини энди олмайдиган бўлади. Бу компонентлар мамлакатимизнинг турли жойларидан минглаб километр йўл босиб бу ерга келтирилар эди. Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, аниқроқ қилиб айтсак, унинг «капролактам» цехи энди заводни керакли хом ашё билан таъминлаб туради. У одатдаги хом ашё эмас, балки чиқит юборади. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия институтининг олимлари шу чиқитдан фойдаланишни таклиф этдилар.

Ҳар йили Чирчиқдаги корхона ўн мингларб тонна шундай чиқитни ташлаб юборар эди. Чиқит фойдаланиш учун яроқсиз деб ҳисобланиб келарди. Ҳолбуки унинг таркибида кўпдан-кўп нафли моддалар, биринчи навбатда натрий сульфат ва сода кўп бўлиб, шиша пиширувчилар ундан фойдаланишлари мумкин.

Проблеманинг муваффақиятли ҳал этилиши натижасида каттагина иқтисодий самара олинди: транспорт харажатлари камайди, чиқитнинг нархи эса одатдаги ва камёб хом ашёга нисбатан бир неча баравар арзон.

Олимларнинг таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида ташиб келтириладиган хом ашёга эҳтиёж қолмади ва бунинг устига пировард маҳсулотнинг сифати ошди. Чиқит таркибидаги баъзи қўшимча моддалар туфайли шундай бўлиб чиқди. Бундан ташқари шиша пиширишда температураси қарийб 40 градус пасаяди. Бинобарин, ёқилғи сарфи камаяди.

«Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам мамнун. Келаси йилдан бошлаб республиканинг бошқа корхоналари ҳам унинг чиқиндиларидан фойдалана бошлайди. Бу эса бирлашмага қўшимча даромад келтиради.

(ЎзТАГ).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«САБЗАВОТ ВА МЕВА ЙИЛ БЎЙИ МЎЛ БЎЛСИН»

Газетанинг шу йил 18 ноябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада шаҳар аҳолисини сабзавот ва мева билан таъминлаш эҳтиёжи анча кам бўлаётгани, магазин пештахталари бўш туриб қолаётгани, «Ташплодоовощ» бирлашмаси билан колхоз ҳамда совхозлар ўртасида тузилган шартномаларнинг бажарилмаётганлиги, бунинг натижасида бозорда нарх-наво қиммат бўлаётганлиги танқид қилинган эди.

Шу мақола юзасидан редакция Тошкент шаҳар бозорлар бошқармаси бошлиғи М. К. Муҳамадалиевдан ёзма жавоб хати олди. Унда таъкидланишича, мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланган. Камчиликларни бартараф этиш бўйича қатор тадбирлар белгиланган.

Шунингдек, мазкур мақола шаҳардаги барча бозорларнинг коллективлари ўртасида муҳокама қилинган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Тошкент районининг барча колхозлари ҳамда Оржоникидзе районидаги «Маданият», «Коммунист» колхозлари омборларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етарли даражада бўла туриб, улар III квартал шартнома планини бажармадилар.

1984 йилда шаҳар аҳолисини мўл-кўл сабзавот-мева билан таъминлашни йўлга қўйиш мақсадида бозорлар ҳузуридаги жамоатчилик Совети активлари шартномалар тузиш учун областдаги колхоз ва совхозларга сафарбар қилинди.

ҲАММА БИР КИШИДЕК...



● **«АНГРЕНЭНЕРГОЦВЕТМЕТ» ихтисослашган корхонаси коллективи СССР Госстройи темир-бетон илмий-тадқиқот институти мутахассислари билан ҳамкорликда маҳсулотнинг янги тури — енгил шлак блоки ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Металлургия ишлаб чиқариши чиқиндилари бу биноқорлик материали тайёрлаш учун асосий хом ашё ҳисобланади. Суратда: корхонада янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга салмоқли ҳисса қўшган Я. А. Тагиров бошчилигидаги пудратчи бригада аъзоларининг бир группасини кўриб турибсиз. В. Казанцев фотоси. (ЎзТАГ).**

Оҳангарон районидаги «Ангрен» совхози чорвачилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган. Ҳозир хўжаликда 14 минг 100 бош қўй-эчки, 1729 бош қорамол, 2 мингга яқин чўчқа, кўплаб парранда боқилаётир. Чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш йил сайин кўпайиб бормоқда. Бунда оила пудрати усулининг роли катта бўлаяпти.

Ленин ва Октябрь Революцияси орденларининг кавалери, район партия комитетининг аъзоси бош чўпон Мўмин Ҳолтўраев совхозда биринчи бўлиб оила пудрати асосида ишлашга ўтган эди. Фарзандлари қўзилатиш пайтида сақмончилик қилди, жун қирқишди. Натижада М. Ҳолтўраев ҳар 100 бош совлиқдан бу йил 115 тадан қўзи олиб, мажбуриятини шараф билан бажарди.

Янгича усулда иш юритган Қурбон Эргашев ва Ибо Эшмоновлар ҳам яхши кўрсаткичларга эришдилар. Хўжалик бўйича бу йил 6671 бош қўзи олинди, бу пландагидан 650 бош кўпдир.

Деҳқончиликда ҳам оила ва бригада пудрати ҳамда нарядсиз аккорд-мукофот системасида ҳақ тўлаш кенг ёйилаяпти. Бу йил 13 та далачилик бригадасида шу прогрессив система асосида иш ташкил этилди. Бригадалар ихтиёрига ер, иш ҳақи фонди йил бошидан бериб қўйилди. Ишчиларни танлаш ва ишга олиш ҳуқуқи шу бригада коллективи ихтиёрига ҳавола қилинди. Бригада

ЧОРВАЧИЛИК ВА САБЗАВОТЧИЛИК

коллективи билан совхоз маъмурияти ўртасида шартномалар тузилди. Бригадалар ишини назорат қилиш совхоз агрокенгашига топширилди.

Қувончлиси шундаки, 13 та далачилик бригадасидан олтитасига коммунистлар бошчилик қилишяпти. Коммунистлар етакчилик қилган нарядсиз усулда ишловчи далачилик бригадалари дуруст кўрсаткичларни қўлга киритдилар. Жумладан, коммунист Абдулла Тожибоев бошлиқ озуқачилик бригадаси янги ва эски бедапоялардан 1180 тонна хашак олишни планлаштирган эди. Улар айни пайтда умумий озуқани 1500 тоннага яқинлаштириб қўйдилар.

Коммунист Николай Ким бошлиқ сабзавотчилик бригадаси аъзолари иш ҳақи фондини тежаб сарфлашга алоҳида эътибор бердилар. Иш якунлари ҳар ойда коллектив аъзолари ўртасида муҳокама қилиб борилди. Натижа ёмон бўлмади. Пландаги 1230 тонна ўрнига 1265 тонна сабзавот, 110 тонна ўрнига 144 тонна картошка олинди. Картошка етиштириш учун ажратилган иш ҳақи фондидан 500 сўм ва сабзавот етиштириш учун планлаштирилган иш ҳақи фондидан 2567 сўм тежаб қолинди. Пландаги 32 минг 822 сўм ўрнига 30 минг 255 сўм сарфланди.

Хўжаликнинг бошқа бригадаларида ҳам ишни ташкил этишнинг бригада ва оила пудрати кенг жорий этилаяпти. Чорвадор ва деҳқонлар бу усулнинг афзалликларини ўз иш тажрибаларида кўриб турибдилар. Совхоз партия комитети эса ташаббускорларни мунтазам моддий ва маънавий рағбатлантириб бормоқдалар.

О. ХУШНАЗАРОВ.

ПАХТАЧИЛИГИМИЗ ЖОНКУЙАРЛАРИ

СИНОВ

НОРИНБОЙ ака кенг пахтазорга узоқ тикилди. Хов нариги картада якка чўпдан иборат бўлиб қолган ғўзапоялардаги сўнгги кўсакларни бригада аъзолари йиғиштириб олишмоқда. Ўзи турган мана бу карта эса шу бугун тушгача тозалаб чиқилди. Ҳа, осон бўлмади, бу йил ҳаёлидан ўтказди бригадир. Куз об-ҳавосининг бунчалик йиғим-терим ишлари учун қулай келиши камдан кам учрайдиган ҳодиса. Агар баҳорги ва ёзги табиат инжиқликлари бўлмаганда эди, натижа ҳозиргидан ҳам афзалроқ бўларди.

Негадир Норинбой ака 1969-йил содир бўлган воқеани эслади. Ўшанда у раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари 110 гектар ерда пахта етиштиришганди. Кутилмаганда йиғим-терим ишлари даврида ҳаво айниди. Ёғингарчилик кучайиб кетди. Ана шу пайтда бригадада бутун куч етиштирилган мўл ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишга қаратилди. Усти ёпиқ пахта қуритиш майдончалари ташкил этилди. Об-ҳавонинг қулай келган ҳар бир дақиқасидан унумлироқ фойдаланишга ҳаракат қилинди. Ана шундай тадбирлар туфайли зиммадаги план уддаланди. Ўшанда ҳар гектар ердан 22 центнердан ошириб «оқ олтин» йиғиштириб олинган эди.

Бу йил эса шунинг акси бўлди. Эрта баҳорнинг қурғоқ келиши, май ойининг серёғин кунлари ва ёз чилласининг ниҳоятда иссиқ бўлиши деҳқонлар меҳнатини анча мушкуллаштирди. Далаларни 40 йилдан буён деҳқончилик билан шуғулланиб келаётган, шу даврнинг ўн йилдан ортиғини эса пахтачилик бригадасига етакчилик қилишга бағишлаган Норинбой ака бу мавсумда ҳам узоқ йиллик тажрибасига суянди. Эрта баҳорда 135 гектар майдонга пахта экилганди. Бу ерларнинг 70 гектаридан ортиғи эса тошлоқ, қумлоқ ва тўқай зоналардан иборат. Демак, ана шу жойларга йил давомида ғўзаларнинг ривожига қараб турли миқдорда минерал ва маҳаллий озуқалар берилиши, культивация ишлари турлича ўтказилиши даркор эди.

— Чигит экилгандан сўнг рўй берган қурғоқчилик туфайли барча майдонларда гербицид таъсири йўқолди, — дейди Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз партия ташкилотининг секретари Нодир Абулқосимов. — Ундан кейинги ёғингарчилик эса бегона ўтларнинг кўпайишига сабаб бўлди. Аксига олиб айни шу пайтда барча бригадаларга ипак қурти уруғи тарқатилган эди. Шунда Норинбой Ҳасанбоев етакчилик қилаётган мазкур бригада коллективи «Пилла ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳисса қўшган учун» шарафли унвонига сазовор бўлди. Ҳа, ўшанда бригада аъзолари ҳар бир гектар ердан 2000 килограммдан ортиқ пилла топширишга эришдилар. Бу йил эса...

— Ҳа, ўшанда ҳам, ҳозир ҳам бригадамизда ўз ишининг устаси бўлган деҳқонлар сафи йил сайин кенгайиб боряпти, — дейди бригада бошлиғи. — Жумладан Зиҳро Убайдуллаева, Нишон Холов, Алимат Хайтматов, Расул Кўкиев, Худойберган Исмоилов каби сувчи ва механизаторларимизнинг маҳорати туфайли ҳар йили план ва социалистик мажбуриятларимизни ортиғи билан бажараяпмиз.

Бу йилги мавсумда Қозоқбой Шодиев бошлиқ бригада 16 киши икки сменада ишлади. Тунги суғоришга алоҳида эътибор бердик. Сувчилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақани йўлга қўйиб, ғолиблар меҳнатини тақдирлаб бордик. Шу билан бирга дала шийпонида уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун етарлича шарт-шароит яратиб бердик.

Бу пайтда бригада сувчиларидан кўп йиллик тажрибага эга бўлган Абдурашид Охунов, Ҳамид Тошев, Омон Алиқулов ва Яхшибой Абдуахатов, Номоз Холбоевлар «зангори кема»ларини юксак унум билан ишлатиб, хирмонга барака киритишди. Қисқа фурсатда бригада коллективи зафар маррасига етди. 20 октябрь куниёқ улар ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил олиб, йиллик планларини бажаришди. Ҳозирга келиб эса ҳосилдорлик 40 центнерга етказилиб, зиммага олинган мажбурият ҳам шараф билан уддаланди.

...Норинбой ака шу топда бу йилги меҳнати натижаларидан кўнгли тўлганини дилдан ҳис этди. Деярли у ҳар йили мана шундай қувончларнинг шоҳиди бўлиб келяпти. 1971 ва 1977 йиллар пахтадан узлуксиз юқори ҳосил олиб келганлиги учун унинг кўксини Меҳнат Қизил Байроқ, ҳамда Ленин орденлари безаганди. Бундан ташқари у бир неча бор СССР ҳамда Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаларининг мукофотларига сазовор бўлган.

Норинбой ака кўплаб шогирдлар етиштириш борасида ҳам бошқаларга намуна. Ҳозир хўжаликнинг 2-бригадасига етакчилик қилаётган Қобил Қаршибоев ҳам унинг шогирдларидан бири. Мана бир неча йилдирки, бу бригада коллективи гектар бошига 37 центнердан ҳосил олмоқда. Звено бошлиқлари Турғун Ҳамзаев ҳамда Бахтиёр Ғанибоевлар ҳам устозлари Норинбой акадан пахтачиликнинг кўп сир асрорларини ўрганишган.

Қ. КАРИМОВ,
Ф. МУҲИДДИНОВ.

ҚИРДА 45 ЦЕНТНЕРДАН



● **ОЛМАХОН Исмоилова Бекобод районидаги Мавлонов номли совхозининг пешқадам соғувчиларидан биридир. Ён соғувчи ўн биринчи беш йилликнинг марказий йилида қарамоғидаги 15 бош сигирининг ҳар биридан 4000 килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини олган. У айни кунларда говмушлардан мўл ва сифатли сут соғиб олиб, барчага ибрат кўрсатяпти. Суратда: О. Исмоилова. М. Қорабеков фотоси.**

ҲОСИЛИ йиғиштириб олинаётган далалар жигарранг-қизғиш тусга кириб боряпти. Аммо пахтазорларда эгат оралаб юрган теримчилар сафи ҳали сийраклашганича йўқ. Машаққатли меҳнатлари эвазига етиштирилган бебаҳо хом ашёнинг сўнгги граммлари йиғиштириб олинмоқда. Ёшуқари деҳқонлар, шаҳарлик ҳашарчилар «Бир тола ҳам пахта нобуд бўлмасин!» деган шиор остида курашни давом эттиришяпти.

Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхозининг Абдужаббор Абдусатторов бошлиқ бригадаси далаларида ҳам терим тўхтатилгани йўқ. Ҳолбуки, бу коллектив 61 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан хирмон кўтариб, социалистик мажбуриятларини колхозда биринчилардан бўлиб бажардилар. Шароит ниҳоятда оғир бўлишига қарамай, ҳосилдорлик ўтган йилдагига нисбатан ҳам юқори бўлди.

— Қир-адр ерларда пахта ҳосилдорлигини 45 центнерга етказишнинг ўзи бўлмайди, албатта, — дейди бригада бошлиғи. — Ер шароитимизнинг ноқулайлиги устига об-ҳаво ҳам бир қатор қийинчиликлар туғдирди. Лекин ваъдамизни ёруғ юз билан бажаришимизни таъминлашда чинакамига жасорат ва маҳорат кўрсатган механизаторларимиз, миришкор сувчиларимиз ва одий колхозчиларимиз номини ҳурмат-эҳтиром билан тилга оламиз. Пахтазорларимизда етиштирилган жами ҳосилнинг ярмидан кўпроғини механизаторимиз Сотиболди Воситов териб берди. Муҳаммад Пирматов, Эргаш Файзиев, Зоир Эргашев сингари сувчиларимиз шароит талаб қилган пайтда халавотларидан кечиб, кечани кеча, кундузни кундуз демай, ғўзаларга оби-ҳаёт тарадилар. Холида Қурбонова, Маҳбуба Бердиева, Нигора Аҳмедова, Фарида Қўшоқова сингари колхозчиларимизнинг ҳар бири кўкламги долзарб кунларда беш-олти гектар майдондаги ғўзаларни бегона ўтдан тозалаб берган бўлсалар, йиғим-терим мавсумида хирмонимизга ўн-ўн икки тоннадан «оқ олтин» териб тўкишди.

Айни кунларда юқори ҳосилли бригада аъзолари пахта майдонларини ҳосилдан тозалаш билан бирга келгуси йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни амалга оширишга киришдилар.

О. ҲАМРОЕВ.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ — УМУМХАЛҚ ИШИ

Шогирд ва устоз — мусобақадош

ТАМАРАНИНГ Коммунистик районидаги «Правда» колхози сут-товар фермасида соғувчилик қилаётганига беш йил бўлди. Дастлаб иш бошлаган кезларида унга ферма ҳаётига кўникиш, чорвачиликнинг ўзига яраша қийинчиликларини енгиб ўтиш бирмунча қийинчилик туғдирганди. Бироқ, ана шундай пайтларда узоқ йиллардан буён ўз касбини ардоқлаб, фермада илғор саналиб келаётган тажрибали соғувчилардан Людмила Оман, Марта Ким ва Роза Ханлар ёш соғувчининг энг яқин маслаҳатчиси бўлишди. Тамарага бу касбнинг сир-асрорларини қунт билан ўргатишди. Ўз навбатида Тамара ҳам устозлар насиҳатига амал қилди. Унда бу касбга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғонди. Ҳозирги кунда колхоз сут-товар фермасида илғорлар хусусида гап кетгудек бўлса, унинг номи ҳам ҳурмат билан тилга олинадиган бўлди.

Ўн биринчи беш йилликнинг марказий учинчи йилида самарали меҳнат қилаётган тажрибали соғувчи Тамара Хан йил бошида ўз имкониятларини ҳисобга олиб, қарамоғидаги 24 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 4500 килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилганди. Ваъдага вафодор соғувчи шу кунгача ҳар бир соғин сигирдан 5 минг килограммдан ортиқ сут соғиб олиб, зиммага олган юксак мажбуриятини муддатидан илгари ортиғи билан уддалади.

Социалистик мусобақа ютуқлари гарови эканлиги ҳеч кимга сир эмас, албатта. Буни яхши тушунган Тамара Хан устози Людмила Оман билан беллашиб меҳнат қилаяпти. Унинг нияти декабрь ойининг охиригача ҳар бир соғин сигирдан соғиб олинадиган сут миқдорини янада ошириб, мамлакатимиз Озиқ-овқат программасининг бажарилишига салмоқли ҳисса қўшишдан иборатдир.

З. ТОЖИБОЕВ.

ҚУЗ САХОВАТИ

БУ ЙИЛГИ куз дала меҳнаткашлари учун саховатли келди. Деҳқонлар машаққатли меҳнатлар эвазига етиштирилган мўл сабзавот ҳосилини илиқ-иссиқ кунларда сархил ҳолда йиғиштириб олиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

— Бу йил бўлимимизда сабзавот ҳосили ўтган йилдагига нисбатан, қарийб икки баравар мўл бўлди, — дейди Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхозининг 1-бўлими бошқарувчиси Алексей Пак. — Деҳқонларимиз социалистик мажбуриятларини ҳам анча ортиғи билан адо этдилар. Картошка ҳосилдорлиги пландаги 120 центнер ўрнига 150 центнерни, сабзи ҳосилдорлиги эса 160 центнерни ташкил этди. Кечки карамдан айниқса, юқори ҳосил етиштирилди. Социалистик мажбуриятимизда белгиланган 700 тонна ўрнига шу кунгача давлатга 1300 тонна карам ҳосили топширдик.

Бундай ютуқларга эришишда Раҳмон Норқулов, Қозоқбой Шодиев, Тошканбой Эшимов, Абдували Нишонов сингари уста деҳқонлар раҳбарлик қилаётган бригадалар салмоқли ҳисса қўшдилар. Жумладан, Раҳмон Норқулов бошлиқ бригадада бу йил карамдан район бўйича рекорд ҳосил йиғиштириб олинмоқда. Бу илғор коллектив йил бошида гектаридан 200 центнердан кечки карам олиш юзасидан мажбурият қабул қилган эди. Мавсумда эса ҳосилдорлик 400 центнердан ҳам ошиб кетди.

— Бригадамизда ўз ишининг устаси бўлган деҳқонлар сафи йил сайин кенгайиб боряпти, — дейди бригада бошлиғи. — Жумладан Зиҳро Убайдуллаева, Нишон Холов, Алимат Хайтматов, Расул Кўкиев, Худойберган Исмоилов каби сувчи ва механизаторларимизнинг маҳорати туфайли ҳар йили план ва социалистик мажбуриятларимизни ортиғи билан бажараяпмиз.

Бу йилги мавсумда Қозоқбой Шодиев бошлиқ бригада сабзавоткорлари ҳам юксак натижаларга эришдилар. Улар шу кунгача социалистик мажбуриятдаги 900 тонна ўрнига 1400 тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб бердилар. Бу оширилган социалистик мажбуриятдагига нисбатан ҳам анча кўпдир.

Бу бўлим коллективи меҳнатга онгли ва ижодий муносабатда бўлиш, ҳар бир ишга нисбатан чуқур масъулият ҳис этиш, долзарб кезларда аҳил ва иноқлик билан иш юритиш жиҳатидан ҳужжаликда барчага намунадир. Шунинг учун ҳам бир неча йилдан бери пешқадамликни қўлдан бермай келаётир. Айни кунларда бўлим деҳқонлари кечки экин ҳосилини йиғиштириб олиш билан бирга келгуси йилга пухта замин яратиш ишларини ҳам бошлаб юбордилар.

Ҳ. УЗОҚОВ,
ТошДУ студенти.

ДЕҲҚОНЛАРГА ҚУЛАЙЛИКЛАР

«Бўзсув» совхозида янги марказий универмаг очилди. Бу савдо корхонасининг бўлимларида хўжалик, саноат ва маданий-маиший моллар жойлашган.

«Партия XXI съезди» совхозида ҳам кундалик рўзғор моллари билан савдо қилувчи магазин ишлай бошлади. Умумий овқатланиш тармоқларига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. «Москва» колхозида 70 ҳўрандага мўлжалланган ошхона ишга туширилди. Бундан аввалроқ «Партия XX съезди» колхози территориясида «Осиё» номли кафе, «Хасково» совхозида эса универмаг ишлай бошлаган эди.

Гагарин номли совхозда магазинларнинг реконструкцияси тугатилмоқда. Қурилиш ва ремонт ишлари ниҳоясига етгач, бу ерда савдо залларининг майдони анча кенгаяди, янги ускуналар билан жиҳозланади.

М. ЁҚУБОВ,
Калинин райони.

КУТУБХОНАЛАР ҲАЁТИДАН

МАРКАЗЛАШГАН УСУЛДА

Бўстонлиқ районининг маданий-оқартув муассасалари ходимлари КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари асосида ўз фаолиятларини қайта қурмоқдалар, хизмат кўрсатишнинг энг қулай томонларини жорий этиш йўлида ижодий изланмоқдалар.

Ғазалкент шаҳридаги Чехов номли марказлаштирилган усулда хизмат кўрсатаётган кутубхонанинг ишга тушганига иккинчи йил бўляпти. Ана шу қисқа вақт ичида у анча оммалашди, ўтказилаётган тадбирлар кўпчиликни жалб қиладиган бўлиб қолди.

Кутубхона ўзининг 40330 нусхадаги китоб фондига эга. Китобхонлар сони эса ҳозирги кунга келиб 3390 нафарни ташкил этади. Малакали ходимлар меҳнаткашларни бу ерга янада кенгроқ жалб этишнинг барча воситаларидан фойдаланмоқдалар. Бу борада Евгения Ермошкина, Ирина Сергеева, Лена Мардонова, Гулнора Ҳусановаларнинг хизматлари ибратлидир. Улар бўш вақтларини деярли китобхонлар орасида ўтказишади. Жойларда китобхонлар конференциялари, учрашувлар, кўргазмалар ташкил этишга алоҳида эътибор беришади. Жумладан, «Хўжакент» совхозларида ана шундай учрашувлар ўтказилиб, кўргазмалар ташкил этилди. Ленин номли 20-мактаб ўқувчилари иштирокида эса Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва меҳнат ветеранлари билан учрашув ўтказилди. Айниқса, 22-мактабда шоир Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижодига бағишлаб уюштирилган китобхонлар конференцияси ғоятда қизиқарли ўтди.

Кутубхоначилар дала меҳнаткашларига хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан ҳам кўзга кўринарли ишлар қилмоқдалар. Хўжаликларнинг дала шийпонларида кичик кутубхоначалар ташкил этилган. Улардаги китоблар ҳар ҳафтада дала меҳнаткашлари талаблари асосида янгилаб турилади. Бундан ташқари ҳафтанинг чоршанба кунлари дала меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатиш куни деб эълон қилинган.

Ўтган йилдан бошлаб районда 59 та кутубхона марказлаштирилган усулда ишламоқда. Бундай усулда хизмат қилишга ўтиш катта қулайликлар яратди.

Кутубхоналарнинг ходимлари китоб учун шаҳарга қатнашдан қутулдилар. Улар олдиндан тайёрлаб қўйилган китоблар комплектини марказий кутубхонадан олиб турадилар. Шунингдек вақтивақти билан малакаларини ҳам ошириб туришлари мумкин.

И. ПИРМЕТОВ.

ҲАҚИҚАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Куба ҳукуматининг баёноти

ГАВАНА. Куба ҳукумати Ғарбий Европада Американинг янги ядровий ракеталари жойлаштирилишидан ва бу ҳатти-ҳаракатлар бутун дунёдаги тинчлик учун хавф солаётганлигидан ташвишланиб берган баёнотида Рейган маъмуриятининг телбаларча авантюрачилик йўлини кескин қоралади.

Куба ҳукумати Вашингтон снёсатчиларининг ўз урушқоқлик ҳаракатлари билан халқлар ҳоҳиш-иродасини ва тинчликка интилишини сурбетларча поймол этаётганликларини таъкидлаб, СССРнинг изчил тинчликсеварлик снёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватлашини изҳор этади. Шу муносабат билан Совет Иттифоқи кўраётган ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг 24 ноябрдаги Баёнотида белгилаб берилган чоралар дунёдаги барча халқларнинг муддаоларига мос бўлиб тушади, деб уқтирилади ҳужжатда. Куба ҳукумати халқлар тинчлиги, мустақиллигини ва социал тараққиётини ҳимоя қилиб чиқаётган Совет Иттифоқининг қатъий ва масъул позициясини қатъият билан қўллаб-қувватлашини билдиради, деб таъкидланади ҳужжатда.

КОНФЕРЕНЦИЯ ОЧИЛДИ

ЖЕНЕВА. Бу ерда ноҳукумат ташкилотларнинг инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси 35 йиллигига бағишланган конференцияси очилди. Конференциянинг мақсади турли соҳаларда — социал, иқтисодий, сиёсий соҳаларда, маданият, маориф ва бошқа соҳаларда декларациянинг амалга оширилиши якунларини чиқаришдан иборат.

Халқаро жамоатчилик турли доираларининг кўпдан-кўп намояндаларини бирлаштирувчи ноҳукумат ташкилотлар ўтмишда ҳозирги замоннинг энг зарур муаммоларини ҳал этишга амалий ёндошишни неча марта талаб қилиб чиққан эди.

Империализм ва реакция кучлари халқларнинг, айниқса Лотин Америкаси ва Яқин Шарқдаги Араб мамлакатлари халқларининг асосий ҳуқуқларига дангал ҳужум бошлаган ҳозирги шароитда ноҳукумат ташкилотларнинг Женева анжумани халқаро кескинликни юмшатиш, уруш хавфини тугатиш йўлларини излашга ижобий ҳисса қўшиши мумкин.



● **ЮГОСЛАВИЯ Социалистик Федератив Республикасининг пойтахти Белград йилдан-йилга кўркам ва обод бўлиб бормоқда. Кейинги пайтларда Сава дарёсининг чап соҳилида пойтахтнинг янги районлари қад кўтарди. Суратда: пойтахтнинг Юрий Гагарин номли кўчасидаги турар-жой бинолари.**

А. Тавакалов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ЕВРОПАГА ЯНГИ ҚУРОЛЛАР БЕРИШМОҚЧИ

БРЮССЕЛЬ. Бу ерда навбатдаги «қишки Атлантика ҳафталиги»ни — Шимолий Атлантика блоки раҳбар ҳарбий-сиёсий органларининг кетма-кет кенгашларини бошлаб берган НАТОнинг Европа группаси икки кунлик мажлиси ўз ишини тамомлади.

Сессияда қабул этилган ахборотдан маълум бўлишича, АҚШнинг Ғарбий Европадаги шериклари қуролланишт пойгасини бундан буён кучайтира беришни кўзламоқдалар, бунинг устига қурол-яроғларнинг оддий турларини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор беришлади. Ҳужжатда, жумладан, бундай дейилади: келгуси йилда Ғарбий Европа қуролли кучлари ихтиёрига 700 та жанговар танк, 350 та бронемашина ва 60 та артиллерия тўпи топширилади. НАТОга аъзо бўлган Европа мамлакатларининг ҳарбий ҳаво кучлари 300 та янги жанговар самолёт, ҳарбий денгиз кучлари 8 та замонавий эсминец ва фрегат кема, сув ости кемаларига қарши курашувчи 10 та кема. 2 та сув ости кемаси олади.

НАТОнинг Европа группаси мажлисида АҚШнинг қурол билан савдо қилиш соҳасида давом этиб келаётган ва унинг ғарбий европалик иттифоқчилари норозилигига сабаб бўлаётган монополиясига катта эътибор берилди.

Ахборотнинг бандларидан бирида НАТОнинг Ғарбий Европа мамлакатларида Америкаининг ўртача олисликка учириладиган ядровий ракеталарини жойлаштириш тўғрисидаги қарори қўллаб-қувватланади. Бироқ Дания билан Греция ҳужжатнинг шу бандини маъқуллашдан бош тортди.

Европа группасининг мажлиси тугаши биланоқ дарҳол НАТОнинг ҳарбий планлаштириш комитети сессияси иш бошлади. Оддий турдаги қурол-яроғлар ишлаб чиқаришни кучайтириш бу сессия кун тартибидаги бош масаладир.



● **ГФР. Мамлакатнинг минглаб граждонлари НАТО милитаристларининг қабиҳ планларига қарши норозилик билдирмоқдалар. Ғарбий Германия пойтахти норозилик намойишларининг марказига айланиб қолмоқда. Полиция намойиш қатнашчиларига қарши ҳарбий қуроллар, заҳарли газлар ишлатмоқда.**

Суратда: намойишчилар ҳибсга олинмоқдалар.

АП—ТАСС телефотоси.

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧРАШУВИ

ТОКИО. Япония ва Совет Иттифоқи журналистларининг бу ерда бўлиб ўтган учрашуви қатнашчилари Рейган маъмуриятининг айби билан халқаро вазият кескинлашганлигидан жиддий ташвиш изҳор этдилар. Чет эллар билан маданий алоқа Япония уюшмаси ташкил этган бу учрашувда иккала мамлакат марказий газеталари, радио ва телевидениеси вакиллари қатнашдилар. Учрашув иштирокчилари ядровий қуролланиш пойгаси, жумладан Американинг биринчи бўлиб зарба урадиган янги ядровий ракеталари Ғарбий Европа мамлакатларида жойлаштирилиши хатарли оқибатларга олиб боришини уқтириб ўтдилар. Улар жаҳон жамоатчилигининг кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш йўлидаги курашида, СССР билан Япония ўртасида яхши қўшничилик ва дўстлик муносабатлари ўрнатишда, совет ва япон халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларининг муҳим ролини таъкидладилар.

УНИТА ШАЙКАЛАРИГА ҚАРШИ ОПЕРАЦИЯ

ЛУАНДА. Ангола халқ озодлик қуролли кучлари (ФАПЛА) ЖАР ирқчилари томонидан ўзлари оккупация қилиб олган Намибия орқали Ангола территориясига юборилаётган террорчи УНИТА шайкаларига қарши операцияни давом эттирмоқдалар. Кейинги кунларда, деб хабар қилади Ангола миллий радиоси, Бенгала, Уамбо, Жанубий Кванза, Мошико ва Бие вилоятларида ФАПЛА бўлинмалари 160 газандани қириб ташладилар.

«ФОЖИА ТАКРОРЛАНМАСИН!»

ҒАРБИЙ БЕРЛИН. Мамлакатнинг Шпандау районида Америка авиациясининг Япония шаҳарларига ваҳшиёна атом бомбаси ташлаганлигини тасвирловчи фотосуратлар ва бошқа материаллар виставкаси очилди. «Хиросима ва Нагасаки фожиаси такрорланмасин!» шиори остида очилган бу виставкада ядро қуролини батамом тақиқлашга, тинчлик учун актив курашишга чақирувчи материаллар катта ўрин олади.

Ўз сафларида аҳолининг турли табақалари намояндаларини бирлаштирувчи «Ядро урушига қарши кураш ташаббуси» ташкилоти баёнот эълон қилиб, Шпандауни ядросиз зона деб эълон қилиш тўғрисидаги талабни ўртага қўйди. Бу баёнотни районнинг минглаб аҳолиси имзолади. (ТАСС).

МЕҲНАТ ИНСОННИ УЛУҒЛАЙДИ

ЁЗУВЧИГА ҳаётда рўй бераётган ўзгаришлар, туғилаётган проблемалар, кишиларнинг орзу-истаклари ва уларнинг фаолияти илҳом беради. Келажак сари одимлаб бораётган жамиятимизни ўйлаб партиямиз илгари сураётган вазифалардан бири — мумкин қадар халқ турмушини яхшилаш, қишлоқ меҳнаткашлари меҳнатини енгиллаштириш, уларнинг маданий турмуши ўсишига имкон туғдиришдан иборатдир. Албатта, бу ўз-ўзидан юзага келмайди, бунинг учун ҳар қандай тўсиқларни енгиб, соф виждон билан қилинадиган меҳнат зарурдир. Ёзувчи Неъмат Еқубовнинг Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриётида чоп этилган «ХАЗИНА СУЛТОНИ» қиссасида шу масаланинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинади. Шуниси қувонарлики, адиб бу масалани қуруқ баён қилмайди, балки уни эсда қоладиган воқеалар орқали акс эттиради. Қиссадаги ҳодисалар кишини ўйлантиради, айниқса, қишлоқ ҳаёти, у ерда меҳнат қилаётган қалби оташ кишиларга зийрак кўз билан қарашга ундайди. Асарнинг сюжет линияси конкрет инсон фаолияти билан боғлиқ воқеа- ҳодисалар асосига қурилган. Ёзувчи уларни ортиқча тафсилотсиз тасвирлайди.

Қиссанинг бош қаҳрамони — Улуғ Ватан уруши инвалиди, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Исомиддин Арабов. Ёзувчи унинг ҳаттиҳаракати орқали жуда кўп кишига ибратли ҳамда инсон руҳида ўзгариш ясашга қодир муҳитни инкишоф қилади. Дастлаб Арабов китобхонда яхши таассурот қолдирмайди. Асар қаҳрамонларидан бири — Хосиятхоннинг таъбири билан айтганда, унинг қўли «худди рапида! Ўтакетган қўрс». Бунинг устига «мансабини суиистеъмол қилиб, бир гектар ерни ўзига томорқага олган. Иккинчиси, колхознинг ўн гектар боғини яксон қилиб, ҳайдатиб юборган... Қорабоев деган кимсага уч минг сўмга ер сотган. Қачонлардир қаҳрамонликни олиб, ўшанинг соясида юрган одам». Лекин ёзувчи Арабовнинг ўзини ўқувчига рўпара қилганда, китобхон унга меҳр қўйиб қолади.

Китобхон илк бор Арабов шахсияти билан райижроком раиси Ҳошимжон Калонов кабинетида танишади. Ижроком раиси уни Хосиятхоннинг ниятини амалга ошириш учун чақиртиргай эди. Калонов унга бирин-кетин Хосиятхондан эшитган даъволарини тўкиб солади. Исомиддин ака учун бу даъволар ҳақорат эди, албатта. Шунинг учун ҳам у жим туролмайди. Мантиқли жавоб беради: Ўртоқ Калонов, мен қирқ йилдан буён пахтазордаман. Кўп раҳбарларни — қирқ йил мобайнида йигирма учта райижкомни кўрдим. Баъзи раҳбарлар колхозчининг, раиснинг уйига кириб келади, онаси билан дардлашади, неваралари билан ҳазиллашади.

Маълумки, ҳар бир кишининг орзулари амалга ошишида муҳит катта роль ўйнайди. Исомиддин ака бир умр далада ўсган, ўзига энг қийин ишни танлаган. Агар унга хотини Турсуной опа ҳам руҳан мос бўлмаганда, у бундай ишларнинг уддасидан чиқа олмасди.

Ёзувчи ўз қаҳрамонининг ибратлилигини фақат меҳнаткашлиги орқалигина кўрсатмайди, балки маънавий ва руҳий дунёси орқали ҳам акс эттиради. У Собиржоннинг дардига бефарқ қарамайди. Оқибатда уни изтиробдан қутқаради. Санобарнинг ўлимини эса ўзи учун энг оғир йўқотиш деб билади. Албатта, ундаги бу фазилатлар китобхон қалбида изсиз қолмайди.

Айни чоғда асарда автор ўз диққатини қаратиши лозим бўлган ўринлар ҳам йўқ эмас. Биринчидан, адиб тил устида жиддий ишлаши лозим эди. Персонажлар тили етарли индивидуаллаштирилмаган. Тасвирда бир хиллик кўп, образлилик кам, ваҳоланки, бу бадиийликни оширадиган муҳим компонентлардандир. Иккинчидан, айрим ҳолатларда объектив шароит ва давр руҳи ҳисобга олинмаган. Хусусан, Арабовдек шуҳрати райондагина эмас, ҳатто республикага ёйилган одамнинг ишдан кетишига на райком, на обкомнинг эътибор бермаслиги, Хосиятхонни раис қилиб сайлаш райижроком доирасидан чиқиб, ҳатто райкомга етиб бормаслигини реал ҳолат деб бўлмайди. Бироқ, бу камчиликларга қарамай, қиссада ҳаёт диалектикаси бутун сюжет линиясидан қизил ипдек ўтади. Асар ўзининг ғоявий-бадиий мазмунига кўра инсон меҳнатини қадрласа, ўз навбатида меҳнат уни улуғлайди деган ҳақиқатни ифода этади.

Ҳ. КАРИМОВ.
филология фанлари кандидати, доцент.

ТАҚРИЗ

хонадон бир жойда яшаяпмиз. Беш хонадоннинг ери қанча бўларди? Бир гектарга яқинлашса керак! Менинг нафсим қурсин, томорқа экмай! Вақтида томорқамга бир неча бор пахта экканман! Томорқа сотганмишман! Ўша Қорабоевни бу ерга бошлаб келаман. Ҳужжатлари идорада бор. Ер сўраб берган аризаси икки йил ётди. Правление мажлиси қарори билан унга жой ажратганмиз. Уни шу ерга чақираман. Тирик, ўлгани йўқ!..»

Ёзувчи ўз қаҳрамонининг ҳар бир ҳатти-ҳаракатини муайян мақсад сари йўналтиради. Арабовнинг Калоновга берган бу жавоби фақат ўзининг айбсизлигини исботлашгина бўлмай, Калоновнинг қандай инсон эканлигини очиб беришга ҳам хизмат қилади. Арабов гапидан маълум бўладики, Калонов раҳбарликни идорада ўтириб бўйруқ бериш, унинг натижасини эса қоғозда битилган рақамларга қараб белгилаш деб биладиган, оддий халқдан ўзини айрича тутадиган одам. Маълумки, бундай раҳбарларга ҳақиқатни англатиш ниҳоятда қийин. Чунки улар ўз манфаати йўлида ҳақиқатдан кўз юмишади. Арабов Калоновнинг иш фаолиятидаги бу қусурни жуда теран англайди...

Арабов тазйиқ остида ишдан кетишига қарамай, руҳан тушкунликка берилмай, одамлар менга қандай муносабатда бўларкин деб ташвиш чекмайди. Сабаби, унинг кўнгли тўқ. У ўз раислик фаолиятида ҳаммани бирдай кўрган, кишиларнинг ҳужатини баробар чиқарган. Қолаверса, раисликка Хосиятхон каби одамларнинг хоҳишига қарши сайланмаган, балки халқ уни шу вазифага лозим топган. Шу боисдан унинг кўнгли тўқ, уйга кўтаринки бир руҳда кириб келади, онаси билан дардлашади, неваралари билан ҳазиллашади.

Маълумки, ҳар бир кишининг орзулари амалга ошишида муҳит катта роль ўйнайди. Исомиддин ака бир умр далада ўсган, ўзига энг қийин ишни танлаган. Агар унга хотини Турсуной опа ҳам руҳан мос бўлмаганда, у бундай ишларнинг уддасидан чиқа олмасди.

Ёзувчи ўз қаҳрамонининг ибратлилигини фақат меҳнаткашлиги орқалигина кўрсатмайди, балки маънавий ва руҳий дунёси орқали ҳам акс эттиради. У Собиржоннинг дардига бефарқ қарамайди. Оқибатда уни изтиробдан қутқаради. Санобарнинг ўлимини эса ўзи учун энг оғир йўқотиш деб билади. Албатта, ундаги бу фазилатлар китобхон қалбида изсиз қолмайди.

Айни чоғда асарда автор ўз диққатини қаратиши лозим бўлган ўринлар ҳам йўқ эмас. Биринчидан, адиб тил устида жиддий ишлаши лозим эди. Персонажлар тили етарли индивидуаллаштирилмаган. Тасвирда бир хиллик кўп, образлилик кам, ваҳоланки, бу бадиийликни оширадиган муҳим компонентлардандир. Иккинчидан, айрим ҳолатларда объектив шароит ва давр руҳи ҳисобга олинмаган. Хусусан, Арабовдек шуҳрати райондагина эмас, ҳатто республикага ёйилган одамнинг ишдан кетишига на райком, на обкомнинг эътибор бермаслиги, Хосиятхонни раис қилиб сайлаш райижроком доирасидан чиқиб, ҳатто райкомга етиб бормаслигини реал ҳолат деб бўлмайди. Бироқ, бу камчиликларга қарамай, қиссада ҳаёт диалектикаси бутун сюжет линиясидан қизил ипдек ўтади. Асар ўзининг ғоявий-бадиий мазмунига кўра инсон меҳнатини қадрласа, ўз навбатида меҳнат уни улуғлайди деган ҳақиқатни ифода этади.

Ҳ. КАРИМОВ.
филология фанлари кандидати, доцент.

Абдухолиқ ҚОДИРОВ



1983 йил 7 декабрда Ғалаба районидаги «Ленинград» колхози правлениесининг раиси, халқ депутатлари Тошкент область Советининг депутати Абдухолиқ Қодиров тўсатдан вафот этди.

Ажойиб инсон, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг истеъдодли ташкилотчиси ҳаётдан кўз юмди.

Абдухолиқ Қодиров 1925 йилда Куйи Чирчиқ районидаги Крупская номли қишлоқда туғилди.

У 1942 йилдан Улуғ Ватан уруши фронтларида бўлди. Совет Армияси сафидан демобилизация қилингандан сўнг қадрдон қишлоғига қайтиб келди. Бу ерда оддий колхозчиликдан колхоз раҳбари лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди. У 1949 йилдан КПСС аъзоси эди.

А. Қодиров 1968 йилдан «Ленинград» колхозининг бош агрономи вазифасида ишлади. 1980 йилда эса шу колхоз правлениесининг раиси қилиб сайланди. Хўжаликка у ҳаётининг сўнгги кунигача раҳбарлик қилиб келди.


Катта ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини чуқур билган А. Қодиров бутун куч-ғайрати ва тажрибасини партия ва халққа садоқат билан хизмат қилишга сарфлади. Унинг раҳбарлигида «Ленинград» колхози ривожланган, юксак механизациялашган, турмуш маданияти юқори бўлган хўжаликка айланди.

А. Қодиров партия аграр сиёсатини амалга ошириш учун курашда актив иштирок этиши, ишчанлиги, кишиларга меҳрибонлик билан муносабатда бўлиши туфайли колхозчиларнинг, район ва область партия-совет активининг чуқур ҳурмат-эътиборини қозонди.

Коммунистик партия ва совет ҳукумати А. Қодировнинг хизматларини юксак баҳолади лар. У Октябрь Революцияси, икки марта Меҳнат Қизил Байроқ орденлари ва медаллар билан мукофотланган эди.

Коммунистик партия ва халқнинг содиқ фарзанди Абдухолиқ Қодировнинг ёрқин хотираси қалбларимизда мангу сақланиб қолади.

БИР ГРУППА УРТОҚЛАРИ.



ҲАМЗА номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида таниқли адиб П. Қодировнинг романи асосида яратилган «Юлдузли тунлар» спектакли муваффақиятли намойиш қилинмоқда.

Суратда: режиссёр Б. Йўлдошев Бобур ролини ижро этувчи актёрлар — (чапдан) Ёдгор Саъдиев, Раззоқ Авазов ва Ёқуб Аҳмедовлар билан.

А. Рисқиев фотоси. (ЎзТАГ).

ҚАРОР ВА ШАРҲ

ХАЛҚ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

ХАЛҚ фаровонлигини ошириш Коммунистик партиямиз иқтисодий сиёсатининг олий мақсадидир. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорига биноан бир қатор товарларнинг чакана нархлари арзонлаштирилганлиги бунинг янги далили бўлди.

Нархи арзонлаштирилган моллар билан савдо қандай кетяпти, область аҳолиси бундан қандай наф кўрмоқда? Мухбиримиз ана шундай мазмундаги саволлар билан область савдо бошқармаси бошлиғи, А. Т. ЙЎЛДОШЕВга мурожаат этди:

—Анвар Турсунбоевич, 1983 йил 1 декабрдан бошлаб халқ истеъмоли айрим молларининг давлат чакана нархлари камайтирилди. Бу ҳақда батафсилроқ сўзлаб берсангиз.

— Аввало шуни айтиш керакки, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ область савдо бошқармаси бўйича 6 миллион сўмлик гилам ва гилам маҳсулотлари, телевизор, радиотоварлар, соатлар, мўйна ва бошқа молларнинг нархлари қайта кўриб чиқилди. Бу товарларнинг нархлари 1 миллион 200 минг сўмга арзонлаштирилди. Халқаро аҳвол кескинлашган ҳозирги пайтда халқ истеъмоли моллари чакана нархларининг арзонлаштирилиши Ватанимиз иқтисодий қудратини кўрсатувчи ёрқин мисолдир. Маълумки, 1983 йилнинг ўзида: 25 апрелда ва 1 сентябрда бир қанча молларнинг нархлари мамлакатимиз бўйича 3 миллиард сўмга арзонлаштирилган эди. 1 сентябрда нарх-навонинг пасайиши туфайлигина область савдо бошқармаси бўйича турли молларнинг нархлари 4 миллион сўмга арзонлаштирилди.

Нархи арзонлаштирилган моллар ва уларнинг савдоси масаласига келганда шуни қайд этиш керакки, бу моллар халқ эҳтиёжи учун зарур товарлардир. Декабрь ойининг беш кунлигида нархи арзонлаштирилган моллардан 400 минг сўмлик савдо қилинди. 1982 йилнинг худди шу кунларига солиштирилганда гилам ва гилам маҳсулотлари тўрт, телевизорлар эса уч баробардан кўпроқ сотилди. Буни изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

—Қайси хилдаги моллар аҳоли томонидан кўпроқ харид қилинмоқда?

—Ҳозир, айниқса, гилам ва гилам маҳсулотлари, телевизор, холодильниклар, шунингдек, нархи арзонлаштирилган бошқа молларга талаблар ортди.

Савдо ходимлари партия ва ҳукуматимизнинг халқ фаровонлигини ошириш борасида ўтказган навбатдаги бу тадбирини мамнуният билан кутиб олиб, аҳолига хизмат маданиятини ошириш учун барча чораларни кўрмоқдалар. Янгийўл, Ангрен, Чирчиқ, Оҳангарон савдо ташкилотлари коллективлари бу борада намуна бўлмоқдалар. Бу ерларда чакана нархлари арзонлаштирилган моллар кўргазмалари ташкил қилинмоқда, магазинларнинг кўпгина жойларида товарларнинг эски ва янги нархлари қайд қилинган. Юқорида номлари келтирилган шаҳарлар савдо ташкилотларининг ҳар бири беш кун ичида планга нисбатан 50 минг сўмликдан кўп савдо қилдирди.

Энди айрим чакана нархлар ҳақида. Олмалиқ гилам фабрикасида ишлаб чиқарилган 2х3 метрли 10301 артикулдаги полосларнинг нархи илгариги 132 сўмдан 96 сўмга, 1036 артикулдагиси 156 сўмдан 114 сўмга арзонлашди. Рангли тасвирдаги 790 сўмлик «Горизонт» телевизорининг чакана нархи 135 сўмга арзонлашди. «Снежинка», «Помир-5» холодильникларининг чакана нархлари 50 сўмданга камайтирилди. «Ракета», «Чайка», «Слава», «Кварц», соатларининг нархи 13 сўм 50 тийинданга, «Романтика» радиоласининг баҳоси 110 сўмга арзонлаштирилди.

Редактор ўринбосари
Р. УМАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ЭКРАНЛАРИГА

«ЕНГИЛМАС»

ЯНГИ РАНГЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ ЧИҚАРДИ

Сценарий автори — Павел ЛУНИН.
Режиссёр — Юрий БОРЕЦКИЙ.
Ролларни ижро этувчилар: Андрей РОСТОЦКИЙ, Ҳамза УМАРОВ, Нурмухан ЖАНТЎРИН, Ёдгор САЪДИЕВ, Гулнора ДЎСМЕТОВА, Биродар ОТАБОЕВ, Дилшод ИСМОИЛОВ, Николай КАРПОВ, Тўхтасин МУРОДОВ.



Мамлакатимизда «самбо» сўзини эшитмаган бирор киши топилмаса керак. Табиийки бу сўзнинг маъносини кўпчилик айтиб бера олади — «қуролсиз ўз-ўзини ҳимоя қилиш». Бу спорт турини яратувчи А. А. Харлампиев ҳақида эса кўпчилик билмаса керак, эҳтимол.

...1928 йил. Андрей Хромов (артист А. Ростоцкий) Кавказ ва Ўрта Осиё анъанавий миллий курашлари кўпчилик турлари орасидан кейинчалик курашнинг янги, такомиллашган турига киритадиган усулларини дона-донаслаб териб боради.

Биз қаҳрамон билан у ана шундай изланишлар туфайли Ўзбекистонга келиб қолганида учрашамиз.

...Қадим-қадимлардан буён Фаттохбек авлодида Колсоната—қадимий билимлар тўпламининг Тибет қўлёзмаси фарзанддан-фарзанга мерос сифатида ўтиб келарди. Бу билимлар фақатгина даволаб қолмай, ҳалоқ қилиши ҳам мумкин эди. «Енгилмас» деб ном олган, софдил ва эзгу ниятли Андрей Хромов авлод-аждодларимиз бебаҳо билимларини қадрламаслиги мумкинми?

Аммо, қадимги қўлёзма соҳибига ўлим хавфи таҳлика солмоқда эди: Шайх Жаъфар (артист Е. Саъдиев) — тугалланмаган босмачилар тўдасининг бошлиғи анча вақтдан бери қўлёзмани қўлга киритишни ўйлар, бироқ бу ниятига эришолмай келарди.



Фильм самбо кураши кашшофига бағишланганлиги сабабли уни суратга олишда спортнинг шу тури таниқли усталари — Олимпиада чемпиони А. Колесов ва самбо бўйича СССР терма командаси тренери Ю. Борисочкинлар раҳбарлик қилишди.

Фильм М. Горький номли Марказий болалар ва ўсмирлар фильмлари киностудиясида суратга олинган.

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ишлаб чиқариш базасидаги

214-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1983—1984 ўқув йили учун

ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди: токарь-универсал (токарь-каруселчи, программа билан бошқариладиган станокларнинг операторлари), **саноат ускуналарини тузатиш бўйича слесарь, электр пайвандчи, механика йиғув ишлари слесари, фрезерчи, электр-монтажчи, машинада қолиплаш бўйича қолипловчи, слесарь-асбобсоз, штамповкачи.**

ҲАММА МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙ.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини тугатгандан сўнг олган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат, ўртача бали 4 ва 5 бўлса, битирувчилар олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўрта маълумот билан билим юртига кирганлар ҳам билим юртини тугатганлиги тўғрисида аттестат оладилар.

Ҳар ойда ўқувчиларга 76 сўмдан стипендия берилади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 33 процценти ўқувчиларга тўланади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар. Билим юртида доимо спорт секциялари, вокал-чолғу ансамбли ва халқ чолғу асбоблари ансамбли ишлайди.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН 15—25 ЕШЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, туғилганлиги тўғрисидаги ҳужжат, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 3х4 см ҳажмидаги 6 дона сурат. Таржиман ҳоли.

Бошқа шаҳардан келиб билим юртига кириб ўқийдиганлар турар жойларидан прописка дан ўчишлари лозим, улар билим юрти ётоқхонасига прописка қилинадилар, шунингдек комсомол учётидан ўчишлари, ҳамда ўзлари билан шахсий учёт карточкаси ҳужжатини, ВЛКСМ аъзолигининг учёт карточкасини, комсомол билетини олиб келишлари шарт.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (2, 16, 25, 28, 29-трамвайлар, 8, 9, 24, 44, 112, 115-автобусларнинг «Ғалаба» боғи» бекати). Телефон 35-08-02.

М. Қорнёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

10, 11 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.30 ДА

ЛИРИК ХОНАНДАЛАР ВА РАҚҚОСАЛАР ДАВРАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИГИ-КОНКУРСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва ҚҚАССР халқ артисти
Гулшод ОТАБОЕВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
Қизлархон ДЎСТМУҲАМЕДОВА

VI Жаҳон фестивалининг лауреати
Анвар РУСТАМОВ

Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Дилором ҚАЮМОВА, Раҳима НОСИРОВА, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Лола ОҚИЛОВА **ва бошқалар.**

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Программани — Уткир СИДДИҚОВ олиб боради.

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қодир МЎМИНОВ.
Музика раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

ТЕЛЕВИЗОР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ТЕЛЕВИЗИОН ПРОГРАММАЛАРИ ҚАБУЛИНИ ЯХШИЛАШ МАҚСАДИДА БИНО КЎРИНИШИНИ АРХИТЕКТУРА ЭСТЕТИК ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН ТАРЗДА КОЛЛЕКТИВ ФОЙДАЛАНИШИДАГИ ТЕЛЕВИЗИОН АНТЕННАЛАРНИ ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШ, КАПИТАЛ РЕМОНТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА КОМПЛЕКС ТАДБИРЛАР ЎТКАЗАДИ.

Аҳоли яшайдиган бинолардаги коллектив фойдаланишидаги антенналарни ўзбошимчалик билан ўзгартириш ёки шахсий фойдаланиш учун антенналар ўрнатиш **ҚАТЪИЙ МАН ҚИЛИНАДИ**

Давлат фойдаланишидаги ёки комплекс уй-жой фондига қарашли бинолар томларига антенналар ўрнатганлиги ва коллектив фойдаланишдаги антенналардан ўзбошимчалик билан фойдаланганликда айбланган шахслар тегишли қонун билан давлат мулкини бузганлиги учун жавобгарликка тортиладилар.

Коллектив фойдаланишидаги антенналарга телевизор антенналарини улаш фақат антенна хизмати мутахассислари томонидан амалга оширилади.

Коллектив фойдаланишидаги антенналарга телевизорлари уланганлар ойига ЖЭК ва ЖЭУга квартира ва коммунал хизмат учун тўланадиган тўловлар ёнига қўшимча 20 тийиндан тўлаб борадилар.

КОЛЛЕКТИВ ФОЙДАЛАНИШИДАГИ АНТЕННАЛАРГА ТЕЛЕВИЗОРЛАРИНИ УЛАТМОҚЧИ БЎЛГАНЛАР «ЗАНГОРИ ЭКРАН» ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ҚУЙИДАГИ АНТЕННА ХИЗМАТИГА ЗАЯВКА БЕРИШЛАРИ МУМКИН:

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИ, К. Маркс кўчаси, 16-уй, телефон: 42-728.

АНГРЕН ШАҲРИ, 5/1Б квартали, 40-уй, телефон: 73-55.

ОҲАНГАРОН ШАҲРИ, 3-микрорайон, 18-уй, телефон: 27-53.

БЕКОБОД ШАҲРИ, Пешков кўчаси, 1-уй, телефон: 35-57.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИ, 3-микрорайон, 36-уй, телефон: 42-820.

ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИ, Самарқанд кўчаси, 252-уй, телефон: 7-63-33.

ТЎЙТЕПА ШАҲРИ, Ленин кўчаси, 94-уй, телефон: 21-677.

НАРИМОНОВ ШАҲРИ, Водник массиви, «Юность» маиший хизмат уйи.

ҒАЗАЛКЕНТ ШАҲРИ, Киров кўчаси, 7-уй, телефон 21-936.

Барча справкалар бўйича қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Ғ. Ғулом кўчаси, 94-уй. Телефонлар: 78-85-92, 78-59-19.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40— «Қувноқ стартлар». 10.05 — «Улим архиви». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 11.50 — Концерт. 12.15 — Ҳужжатли фильм. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Концерт. 16.40 — «Рус тили». 17.15 — «Подмосковье қишлоғининг бугунги ва эртанги куни». 17.45 — Концерт. 18.15 — Телеочерк. 18.45 — «Стадион ҳамма учун». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Фан ва турмуш». 20.00 — «Улим архиви». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 21.30 — «Время». 22.05 — «Нима? Қаерда? Қачон?». 23.35—«Дунё воқеалари».

МТ-II. 9.00 —Эрталабки гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.40 — Тарих. 10.00 ва 13.55 — Инглиз тили. 10.30— Илмий-оммабоп фильм. 11.05 — Физика. 11.35 — А. С. Пушкин. «Дубровский». 12.05— Умумий биология. 13.10—«Сен қонунни биласанми?». 14.25 — Тарих. 14.55 — «Билимимиз — қудратимиз». 15.40 — «Совет тасвирий санъати». 16.10 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Коллектив нимага қодир». 19.15 — Концерт. 20.30 —«Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Инсон ва қонун». 21.15 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Театр афишаси олдида». 23.15 — Телевизион ҳужжатли фильм.

ЎзТВ-I. 18.05 — Фильм-концерт. 18.30 — «Фан уфқлари». 19.00 — «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Ноз-неъмат бунёдкори». 20.00 — Ўзбекистон ССР Рассомлар союзининг кўргазма залида. 20.30 — «Ахборот». 20.50 —Концерт. 21.30 — «Время». 22.05—«Дунё воқеалари». 22.35 — «Эртага— премьера». 23.45 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 9.00—16.15 — МТ-II. 18.10 — «Юлдузча». 18.55 — «Соялар чошгоҳда ғойиб бўлади». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Концерт. 20.50 — «Телефильм». 21.00 — «Халқ хизматида». 21.30 — МТ-II.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети ва область ижроия комитети Ғалаба районидаги «Ленинград» колхозининг раиси, халқ депутатлари область Советининг депутати

Абдухолиқ ҚОДИРОВнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар ва марҳумнинг оила аъзолари ҳамда қариндош уруғларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000. Тошкент—П,
ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 02338. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б.—1731. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12